



2020 у « 23 » апрель

№ Қ-193

« » 20 г

**Термиз тумани “Кўнғирот”
махалласи ҳудудидан “TERMIZ
MARVARID” хусусий корхонасига
“Иссиқхона” биноси қуриш учун
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 05-02/170-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2019 йил 30 декабрдаги 01-18/331-сон ҳамда “TERMIZ MARVARID” хусусий корхонасининг 2020 йил 17 апрелдаги 1-сон хатларини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 05-02/170-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Кўнғирот” маҳалласи ҳудудидан “TERMIZ MARVARID” хусусий корхонасига қишлоқ хўжалик харитасининг 37қ-дала контуридан тупроқ унумдорлиги 50,4 балл бонитетли жами 6,0 гектар суғориладиган (бўз) ер майдони “Иссиқхона” биноси қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “TERMIZ MARVARID” хусусий корхонаси раҳбари Эргашев Суҳроб Равшановичга:

ажратилган ер майдонидан фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш учун фойдаланиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олинishi кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов